

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья - О.Нуримов
Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья - Б.Исрайлов
Тафтиш инстанцияси судида
маърузачи судья - О.Халмирзаев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING
Қ А Р О Р И

2024 йил 13 март

Тошкент шаҳри

4-14-2104/9 -
сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судья Б.Сайфуллаевнинг раислигида, ҳайъат аъзолари судьялар И.Таджиев ва О.Халмирзаевдан иборат таркибда, Б.Муродқосимовнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори М.Қурбонова, "Next construction" масъулияти чекланган жамияти вакиллари Б.Қараходжаев, Э.Мўминов (раҳбар)нинг иштирокида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг "Next Construction" масъулияти чекланган жамияти манфаатида "Doo-Jin Corporation Co.LTD" Компаниясидан 3 903 740,71 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йилнинг 1 августдаги қарори устидан келтирилган Самарқанд вилоят прокуратурасининг протестини иш ҳужжатлари билан бирга Олий суднинг биносида видеоконференцалоқа режимида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

"Next construction" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ва "Doo-Jin corporation Co.LTD" Компанияси (Жанубий Корея) (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўртасида 2018 йил 17 майда 2 000 000 АҚШ доллари қийматидаги Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган янги иссиқхона асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда ускуналар деб юритилади) етказиб бериш ва ўрнатиш тўғрисида 2-сонли шартнома тузилган.

Мазкур шартномага 2019 йил 11 ноябрда қўшимча келишув тузилиб, унга кўра жавобгар карбонат ангидрид CO2 тизимини барча таркибий қисмлари билан, шу жумладан 4 гектарли иссиқхонани фен-вентилятор тизими билан таъминлаш ва ўрнатиш, Корея Республикасидан бир йил давомида агроном-мутахассис билан таъминлаш, шу жумладан хорижлик



агрономнинг хизмат ҳақини бир йил давомида тўлаб бериш, агар қўшимча хатолар ёхуд шартноманинг барча бандлари бажарилмаса, шу жумладан амалдаги ёки бирон-бир ёзма қўшимча шартномалар бажарилмаса, ускунани ўз вақтида ишга туширмаган бўлса, 4 гектар иссиқхона лойиҳасини ўз вақтида туширмаганлик учун жавобгардан даъвогар фойдасига 2020 йил февраль-май ойларидаги нархлар асосида бозордаги юқори нархдаги 300 тонна пушти навли помидор қиймати миқдорида жарима тўлаш мажбуриятини олган.

Жавобгар томонидан шартнома ва қўшимча келишув мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганлиги важдари билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) даъвогар манфаатида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан етказиб берилган товар комплектациясининг етмайдиган бутловчи қисмларни харид қилишга сарф қилинган 108 891,36 АҚШ доллари, маҳсулот ўз вақтида юклаб берилмаганлиги учун 286 683 АҚШ доллари пеня, 4 гектар теплицага мулжалланган Карбонат ангидрид СО 2 тизимини барча бутловчи қисмлари билан шу жумладан фен-вентилляторлар қийматини 168 961 АҚШ доллари, 70 000 АҚШ доллари агроном иш ҳақини, 300 тонна олий навли пуштли помидорнинг 2020 йил февраль-май ойларидаги бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган 3 045 000 АҚШ доллари миқдори жарима, ускунани сотиб олиш учун банкдан олинган кредитга ҳисобланган 224 205, 35 АҚШ доллари фоизни ундиришни ҳамда 91 108,64 АҚШ доллар талаб қисмини жавобгар томонидан етказиб берилган бутловчи қисмлар, лекин даъвогар томонидан тўлови амалга оширилмаган сумма ҳисобидан қаноатлантиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори билан Палатанинг даъвогар манфаатида берган даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига жами 356 683 АҚШ доллари ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 28 октябрдаги қарори билан ҳал қилув қарорининг даъвогар фойдасига “286 683 АҚШ доллари миқдорида пеня ва 70 000 АҚШ доллари (агроном иш ҳақи), жами 356 683 АҚШ доллари ундириш” қисми “281 137 АҚШ доллари миқдорида пеня ва 37 000 АҚШ доллари (агроном иш ҳақи), жами 318 137 АҚШ доллари ундирилсин” деб ўзгартирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2022 йил 23 февралдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 28 октябрдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 23 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг ишни кассация тартибида қороран кўриш ҳақидаги протести қаноатлантирилган. Биринчи



инстанция судининг 2021 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 28 октябрдаги қарори, кассация инстанцияси судининг 2022 йил 23 февралдаги қарори бекор қилинган. Иш биринчи инстанция судида янгидан кўриш учун Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига юборилган.

Ишни янгидан кўриш жараёнида даъвогар судга ариза тақдим этиб, 91 108,64 АҚШ долларини жавобгар томонидан етказиб берилган бутловчи қисмлар бўйича, лекин даъвогар томонидан тўлов амалга оширилмаган сумма ҳисобидан қаноатлантириш ҳақидаги даъво талабини кўрмасдан қолдиришни, қолган даъво талабларини кўриб чиқишни сўраган.

Суднинг 2022 йил 1 ноябрдаги ажрими билан даъвогарнинг аризаси иш юритувига қабул қилинган.

Кейинчалик, даъвогар судга ариза тақдим этиб, унда даъвогар даъво талабларидан қисман воз кечишини, шу жумладан 91 108,64 АҚШ долларини жавобгар томонидан етказиб берилган бутловчи қисмлар бўйича, лекин даъвогар томонидан тўлов амалга оширилмаган сумма ҳисобидан қаноатлантириш ҳақидаги даъво талабидан воз кечишини билдириб, жавобгардан 4 гектар иссиқхона учун фен-вентиляторлари билан биргаликда карбонат ангидрид (CO_2) тизимининг барча эҳтиёт қисмлари қиймати 168 961 АҚШ доллари, Корея Республикасидан келган агроном-мутахассиснинг иш ҳақи учун 64 170 АҚШ доллари, 300 тонна олий навли гулоби помидорнинг 2020 йил февраль-май ойларидаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда 3 045 000 АҚШ доллари миқдорида жарима, жами 3 278 131 АҚШ долларини ундиришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 26 январдаги ажрими билан даъвогарнинг аризаси иш юритувга қабул қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 26 январдаги ҳал қилув қарори билан Палатанинг даъвогар манфаатида берган даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 320 000 АҚШ доллари жарима ва 64 170 АҚШ доллари агрономнинг иш ҳақи ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 1 августдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2023 йил 26 январдаги ҳал қилув қарори бекор қилинган, янги қарор қабул қилинган, Палатанинг даъвогар манфаатида берган даъво аризаси қисман қаноатлантирилган, даъвогарнинг даъво талабларидан қисман воз кечиши қабул қилиниб, даъвонинг жавобгардан ускуналарни комплектациясини тўлдириш учун сарф қилинган 108 891, 36 АҚШ доллари, ускунани вақтида етказиб бермаганлиги учун 286 683 АҚШ доллари пеня ва ускунани сотиб олиш учун банкдан олинган кредитга ҳисобланган 224 205, 35 АҚШ доллари кредит фоизи ундириш талаблари бўйича иш юритиш тугатилган. Жавобгардан даъвогар фойдасига 64 170 АҚШ доллари агроном иш ҳақи,



320 000 АҚШ доллари жарима ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган, даъвогардан Республика бюджетига 1 483 912 956 сўм давлат божи ундирилган.

Мазкур суд қарорларидан норози бўлиб, Самарқанд вилоят прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кассация протести келтириб, унда иш юзасидан қабул қилинган апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 1 августдаги қарорини бекор қилиб, Палатанинг даъвогар манфаатида берилган даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни сўраган.

Судлов ҳайъатининг 2024 йил 5 январдаги ажримига асосан кассация протести тафтиш тартибида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказилган.

Суд мажлисида иштирок этган прокурор протестда келтирилган важларни такрорлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Даъвогар вакили прокурорнинг протестини қувватлаб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд мажлисида ўз вакилининг иштирокини таъминламади.

Судлов ҳайъати даъвогар вакиллариининг тушунтиришларини тинглаб, прокурорнинг фикрини эшитиб, протестда келтирилган важларни муҳокама қилиб, иш ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра протестни қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Апелляция инстанцияси суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган.

Даъвогарнинг 2023 йил 26 январдаги 5-сонли аризасида даъво аризасида билдирилган бир қатор даъво талаблардан, шу жумладан 91 108,64 АҚШ долларини жавобгар томонидан етказиб берилган бутловчи қисмлар, лекин даъвогар томонидан тўлов амалга оширилмаган сумма ҳисобидан қаноатлантириш ҳақидаги даъво талабидан воз кечишини маълум қилган.

Апелляция инстанцияси суди ўзининг қарорида 91 108,64 АҚШ долларини жавобгар томонидан етказиб берилган бутловчи қисмлар, лекин даъвогар томонидан тўлов амалга оширилмаган сумма ҳисобидан қаноатлантириш ҳақидаги талаби даъво талаб ҳисобланмаслиги, унинг мазмуни жавобгардан қарздорликни ундиришда 91 108,64 АҚШ доллари тўлаб берилмаганлиги ва қарздорликни ундиришда инobatга олишга қаратилганлигини билдириб, ушбу талабни муҳокама қилмасликни лозим топган. Судлов ҳайъати, апелляция инстанцияси судининг ушбу хулосаси билан келишмайди. Чунки, Палатанинг даъвогар манфаатида берилган даъво аризасида 91 108,64 АҚШ долларини жавобгар томонидан етказиб берилган бутловчи қисмлар, лекин даъвогар томонидан тўлов амалга оширилмаган сумма ҳисобидан қаноатлантириш талабини даъво талаби сифатида билдирган. Бундан



ташқари, ушбу талабни қаноатлантирилиши даъвогарнинг жавобгар олдидаги қарзини камайишига олиб келади. Низо биринчи инстанция судида кўриб чиқилишида даъвогар ўзининг аризасида ушбу даъво талабини кўрмасдан қолдиришни сўраганлиги ҳам Палатанинг даъвогар манфаатида берган даъво аризасида ушбу талаб даъвогарнинг ўз ҳуқуқини химоя қилиш мақсадида билдирилган даъво талаби эканлигини тасдиқлайди.

Ушбу ҳолатда судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди томонидан Палатанинг даъво аризасида билдирилган 91 108,64 АҚШ долларини жавобгар томонидан етказиб берилган бутловчи қисмлар, лекин даъвогар томонидан тўлов амалга оширилмаган сумма ҳисобидан қаноатлантириш ҳақидаги даъво талаби бўйича қарор қабул қилинмаган деган хулосага келади.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси суди томонидан иш суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган жавобгарнинг йўқлигида кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 302-моддасига кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;
- 4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши қуйидагилардан иборат:

- 1) қўлланилиши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатининг қўлланилмаганлиги;
- 2) қўлланилиши мумкин бўлмаган қонунчилик ҳужжатининг қўлланилганлиги;
- 3) қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, агар бу нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Суднинг ҳал қилув қарори қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин, агар:

- 1) суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоида ишни кўриш чоғида бузилган бўлса;



2) суд мажлисининг баённомаси имзоланмаган ёки ушбу Кодекс 202-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганидан бошқа шахслар томонидан имзоланган бўлса ёхуд, агар суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилган бўлса, аудио- ва видеоёзувнинг электрон ёки бошқа манбалари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаган бўлса;

3) судьялар маслаҳатининг сир сақланиши тўғрисидаги қоида бузилган бўлса.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) суд томонидан ишнинг қонунга хилоф таркибда кўрилганлиги;

2) иш суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир ишда иштирок этувчи шахс йўқлигида кўрилганлиги;

3) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги;

4) ҳал қилув қарорининг судья томонидан имзоланмаганлиги ёхуд ҳал қилув қарорида кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланганлиги;

5) ишда суд мажлиси баённомасининг мавжуд эмаслиги;

6) билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги;

7) ишнинг судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда кўрилганлиги.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, агар тарафлар ўртасида келишув битими тузилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан тасдиқланган бўлса, бекор қилади.

Апелляция инстанцияси суди томонидан низони ҳал этишда ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 2 ва 6-бандларида назарда тутилган процессуал ҳуқуқ нормаларини бузилишига йўл қўйилган.

ИПК 324⁷-моддасининг биринчи қисми 3-бандига мувофиқ ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича ушбу Кодекс 302-моддаси бешинчи қисмининг 3 ва 6-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 1 августдаги қарорини бекор қилишни, ишни янгидан кўриб чиқиш учун апелляция инстанцияси судига юборишни, апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 1 августдаги ижро варақалари бўйича



ундирувни бекор қилишни, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг протестини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўришда:

- жавобгарни суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилиш чораларини кўриши:

- иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқлаши;
- моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаши;
- суд харажатларини тарафлар ўртасида тўғри тақсимлаши;
- иш бўйича қонуний ва асослантирилган суд қарори қабул қилиши лозим бўлади.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, ИПКнинг 308, 324⁷-324⁹-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 1 августдаги қарори бекор қилинсин.

Иш апелляция инстанциясида кўриб чиқиш учун Самарқанд вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига юборилсин.

Ушбу иш бўйича берилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 1 августдаги ижро варақалари бўйича ундирув бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг протести қисман қаноатлантирилсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи

Б.Сайфуллаев

Ҳайъат аъзолари

И.Таджиев

О.Халмирзаев

